

## НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

В.М.Ильин

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кўмитаси Божхона институти доценти

Муродова Маржона

4-курс курсанти Телефон: +998(90) 110-8993 E-mail:

murodovashoxsanam1@gmail.com

**Анотация:** мазкур илмий мақолада бугунги кунда маълум бўлган табиий ва сунъий гиёхвандлик воситалари ёритилган бўлиб, уларнинг салбий таъсири ва уларни бартараф этиш чоралари, амалий таклифлар ва тавсиялар хақида маълумотлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** гиёхвандлик воситалари, наркобизнес, сунъий таблеткалар, таснифлаш, кимёвий маркиби, марихуана, гашиш, гашиш мойи

**Аннотация:** в данной научной статье описаны известные сегодня природные и искусственные препараты, их негативное воздействие и меры по их устранению, практические предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** наркотики, наркобизнес, искусственные таблетки, классификация, химический состав, марихуана, гашиш, гашишное масло.

**Abstract:** this scientific article describes natural and artificial drugs known today, their negative effects and measures to eliminate them, practical suggestions and recommendations.

**Key words:** narcotics, drug business, artificial pills, classification, chemical composition, marijuana, hashish, hashish oil

Ҳозирги замонавий глобаллашув даврида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа еришилган ютуқларга қарамасдан, наркобизнес, прихотороп моддалар айланмаси, ташқи наркоекспансия, ёшларни наркотик моддаларни истеъмолига жалб қилиш ва тижоратини йўлга қўйиш каби XXI аср вабоси номи билан танилган замонавий геосиёсий вазиятнинг таҳдидлари долзарблигича қолмоқда ва халқ фаровонлиги, миллий хавфсизлик, келажак авлоднинг маънан юксалишига, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларига ҳамон хавф солмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси”нинг маълумотларига кўра, бутун дунёда вояга йетган шахсларнинг 5 фоизи гиёхвандлик воситаларни истеъмол қилган. Уларнинг 29,5 млн. нафари ёки вояга йетган йер юзи аҳолисининг 0,6 фоизи гиёхвандлик касаллигига чалинган шахслардир.[1] Ҳар йили гиёхвандликка алоқадор жиноятчилардан умумжаҳон миқёсида 100 мингга яқин ўқотар қурол олиб қўйилмоқда. Бундан ташқари, 500 дан ортиқ яширин учиш ва қўнишга мўлжалланган майдон аниқланишига

қарамай, ҳар куни ғайриқонуний юк ортилган 300га яқин парвоз амалга оширилади.[2]

Гиёхвандлик воситаларини таснифлашнинг турли мезонлари мавжуд:

- уларни тайёрлаш учун керак бўладиган дастлабки моддаларига кўра;
- кимёвий таркибига кўра;
- таъсир қилиш оқибатига кўра ва х.к.

Куйида ноқонуний муомалада кўп учрайдиган гиёхвандлик воситаларининг халқаро таснифи берилган.

### КАННАБИНОИДЛАР

(“Cannabis Sativa” кўринишидаги нашадан олинадиган гиёхванд модда)

Мазкур гиёхвандлик воситасига наша ўсимлигининг турли қисмларидан тайёрланадиган дори-дармонлар киради.

“Наша” – “Cannabinaceae” турига мансуб бўлиб, бир йиллик дарахтсизон ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик иссиқ ва мўътадил иқлим шароитида етиштирилади. Бўйи 4 метр баландликкача етиши мумкин. Наша пояси ўзига хос бўлган чети арра тасмасига ўхшаш ўткир бўлиб, қирраси тоқ (5,7,9) тармоқланган барглардан иборат.

Гуллаганда юқори баргларнинг гулбанdlари ўсимликни қуёшдан ҳимояловчи смолага ўхшаш модда ажратиб чиқаради.

Нашадан учта асосий гиёхвандлик моддалари олинади:

- “марихуана” (ТГКнинг миқдори 0,5—6%);
- “гашиш” (ТГКнинг миқдори 2—10%);
- “гашиш мойи” (ТГКнинг миқдори 10—30%).

Ҳозирги вақтда, Афғонистон, Жазоир, Бангладеш, Бенин, Габон, Гаити, Гана, Гватемала, Гондурас, Зоир, Ҳиндистон, Эрон, Камерун, Конго, Лаос, Ливан, Малайзия, Марокко, Мали, Мадагаскар, Непал, Нигерия, Никарагуа, Покистан, Сурия, Туркия, Шри-Ланка, ЖАР, Жанубий Корея, Ямайка, МДҲ мамлакатлари нашадан тайёрланган гиёхвандлик вроситаларини энг йирик ишлаб чиқарувчилари ва эҳтимолий етказиб берувчилари ҳисобланади.

### МАРИХУАНА

“Марихуана” — нашанинг қуритилган ва майдаланган турли қисмлари ҳисобланади. Уни тайёрлаш учун урғочи наша ўсимлигининг тепа қисми ва баргларидан фойдаланилади.

### ГАШИШ

“Гашиш” – нашанинг гуллаган вақтида унинг шираси ва гулчангидан тайёрланади.

Гашиш турли мамлакатларда ҳар хил ном ва қўринишга эга. Масалан, Осиё давлатларида гашишни “ганжа” ва “чарос” деб номлашади.

“Ганжа” – урғочи наша ўсимлигининг ёш барглари ва гуллаётган қисмидан эзилган ёки ёйилган шилимшиқ масса ширасидан иборат бўлиб, тўқ яшил ёки яшил-жигарранг тусга эга бўлади.


“Чарос” – бу урғочи наша ўсимлигининг тела қисмидан олинган шира бўлиб, тўқ жигарранг кўринишига эга.

### ГАШИШ МОЙИ

“Гашиш мойи” – ёпишқоқ қатронсимон суюқлик кўринишига эга бўлиб, уни турли эритувчи суюқликлар, спирт ёки ёғлар ёрдамида наша ўсимлиги қисмларидан тетрагидрокан-набинолани ажратиб олиш йўли билан тайёрланади.

У тўқ яшил рангдан тўқ жигарранг тусгача киради.

Гашиш мойининг умумий кўриниши



### ОПИАТЛАР

(“Papaveraceae” оиласига киравчи макдан олинадиган гиёхвандлик моддаси)

“Опиатлар” – атамаси, морфин ва шу таркибдаги табиий ва синтетик моддаларни англатади. Опиатлар самарали оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланади.

“Ухлатувчи мак” – бир йиллик қўкатли ўсимлик бўлиб, унинг кўплаб кенжа турлари ва чатишмалари “Papaveraceae” оиласига тааллуқли.

Макнинг таркибида 50 тагача гиёхванд алкалоидлар мавжуд бўлиб, улардан тўрттаси (морфин, кодеин, тебаин, орипавин) гиёхвандлик воситалари рўйхатига киритилган.

### ОПИЙ

“ОПИЙ” – бу макнинг пишмаган уруғ бошоғини қирқиши йўли билан олинадиган табиий маҳсулот. (1961 йилги Гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги БМТнинг Ягона конвенциясига қўра, опий опийли мак шарбатидан тайёрланган маҳсулот сифатида таърифланади). Олинган шарбат офтобда тез қуюқлашиб, тиниклашади ва ранги оқ-сут рангдан қорамтири рангга ўзгаради.

Ташқи кўриниши бўйича опий тўқ жигарранг ёки қора тусдаги ёпишқоқ ширасимон массани ўзида ифодалайди.

Ҳозирда, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қўра, бир йилда тахминан 2 000 тонна опий етиширилади. Унинг учдан бир қисми тиббий эҳтиёж учун, учдан икки қисми эса маҳфий савдонинг предмети бўлиб хизмат қиласиди.

Дунёда ноқонуний олинадиган опийнинг асосий қисми “олтин учбурчак” деб номланадиган таркибий қисмига Бирма (Мьянма), Таиланд ва Лаос кирадиган Жануби-Шарқий Осиёнинг худудлари тўғри келади.

Опийнинг ноқонуний муомаласидаги бошқа муҳим ҳудуд бўлиб ёйни эслатувчи ва Жануби-Фарбий Осиёда жойлашган Покистон, Эрон ва Афғонистондан бошланувчи “Олтин ярим ой” ҳисобланади.

Шунингдек, Гватемала, Ҳинди斯顿, Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Колумбия, Ливан, Мексика, Польша, Тожикистон, Шимолий Корея давлатлари опий ишлаб чиқарувчи ва ташувчи мамлакатлар ҳисобланади.

Макнинг гулларининг кўриниши



Алкалоидларнинг ухлатувчи мак бошиғидаги хом ва пишган опий миқдори

Алкалоиднинг номи ва тури	Қуруқ вазнга % даги миқдори	
	Хом опий	Пишган қутичалар
Морфин	3,0-20,0	0,04-1,48
Кодеин	0,2-6,0	0,006-0,3
Тебаин	0,2-3,5	0,003-0,15

“Опийли мак” – бу ухлатувчи макнинг селекцияли тури ҳисобланади.

Дунёда ноқонуний олинадиган опийнинг каттагина қисми “олтин учбурчак” деб номланадиган таркибий қисмига Бирма (Мьянма), Таиланд ва Лаос кирадиган Жануби-Шарқий Осиёнинг катта худудидан келади. Опийнинг ноқонуний муомаласидаги бошқа муҳим ҳудуд бўлиб ёйни эслатувчи ва Жануби-Фарбий Осиёда жойлашган Покистон, Эрон ва Афғонистондан чўзилувчи “Олтин ярим ой” ҳисобланади. Шунингдек опий ишлаб чиқарувчи ва ташувчи мамлакатлар бўлиб Гватемала, Ҳинди斯顿, Қирғизистон, Қозоғистон, Колумбия, Ливан (Бекаа водийси), Мексика, Польша, Тожикистон, Ўзбекистон, Шимолий Корея ҳисобланади.

## Опийни олишда мак бошоқларини қирқиши йўли



### МОРФИН

“Морфин” – макнинг асосий гиёҳванд фаол алкалоиди ҳисобланади. 1803 йилда йигирма ёшли фармоцефт “Сетюрнер” опийни майдалаб ундан оқ қуқун олишга муваффақ бўлган ва у ушбу моддани юононлардаги уйқу худоси “Морфей” шарафи номига қўяди.

Морфинда ҳид мавжуд эмас, ноқонуний муомалада кўпинча дастлабки қўринишда жигарранг плиткаларга пресланган бўлади. Шунингдек, оқ қуқун ёки шаффоф эритма қўринишида учрайди.

### ГЕРОИН

(диацетилморфин)

Героин – кўп босқичли мураккаб тозалаш йўли билан морфиндан олинадиган гиёҳвандлик моддаси. Тозаланган 10 кг. морфиндан тозалиги бўйича 80-90% гача бўлган эквивалентдаги героин миқдорини олиш мумкин.

### КОДЕИН

(метилморфин)

Кодеин – Морфин гиёҳвандлик моддасига сингари ухлатувчи макнинг гиёҳванд фаол алкалоиди ҳисобланади. Кодеиннинг асосий қисми морфинни қайта ишлаш йўли билан олинади.

Дори-дармон сифатида кодеиннинг асосий қўриниши қуқун ёки ўрамида 6 донадан бўлган таблетка (0,015гр.дан) ёки кодтерпин, седалгин, пенталгин ва бошқа қоришмалар ҳисобланади. Таркибида кодеин бўлган ҳамма дори-дармонлар ҳам назорат остида бўлмай, бу кодеиннинг миқдорига боғлиқ ҳолда белгиланади.

### Ацетил опийси

Ацетил опийси – хом опийнинг муайян шароитларини ацетиллиш йўли билан олинадиган қўлбola ишланган гиёҳвандлик моддаси ҳисобланади. Бунда диацетил-морфиннинг оралиқ синтез маҳсулотларининг, яъни моноацетил-морфин ва ацетилкодеин билан аралашмаси пайдо бўлади.

Ташқи қўриниш бўйича ацетил опийси қоидага кўра дастлабки ацетил маҳсулотларнинг қора рангдаги суюқлиги бўлгани учун бу унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

**Мак сомони экстракти  
(экстакцияли опий)**

Мак сомони экстракти – мак сомонидан сув ёки органик қоришмалар ёрдамида фаол алкалоидларни ажратиб олиш йўли билан қўлбола яратилган гиёҳвандлик моддаси ҳисобланади.

Мак сомони экстракти бевосита гиёҳвандлик воситаси сифатида томирга укол қилиш, шунингдек ацетил опийси ёки героин олиш учун қўлланиладиган материал сифатида фойдаланилади.

**Гидроморфон  
(дигидроморфинон)**

Гидроморфон – дилаудид сифатида машхур, морфиннинг синтетик ҳосиласидир. Гиёҳванд анальгетикларга тегишилдири. Морфин билан таққослаганда, дилаудиднинг таъсир кучи давомийлиги камроқдир. Шу билан бир қаторда, унинг таъсири морфин таъсирига қараганда 2-8 баробар юқоридир.

**Омнопон  
(понтопон)**

Омнопон – гиёҳванд анальгетиклар гуруҳига тегишли гиёҳвандлик дори воситасидир. Дори ўзида опий алкалоиди билан гидрохлорид аралашмасини ифодалайди; таркибида 48-50% морфин ва 32-35% бошқа алкалоидлар мавжуд.

Омнопон, сувда эрийдиган оч сариқ рангдан тўқ жигарранг сариқ ранггача бўладиган кукун.

**Промедол**

Промедол – инсонга таъсир қилиш бўйича морфинга яқин бўлган синтетик гиёҳвандлик дори воситаси ҳисобланади. Ташқи кўриниш бўйича сувда ва спиртда осон эрийдиган оқ биллур кукун. Фармацевтик саноатда 0,025 гр.дан ўрамда 10 донадан, 1-2 фоизли эритмали ампулада ўрамида 10 донадан ҳамда 2-фоизли эритмада 1 мл. шприц-тюбик кўринишида ишлаб чиқарилади.

**Бупренорфин  
(норфин, юнифин)**

Бупренорфин – тебаиндан ишлаб чиқариладиган синтетик гиёҳвандлик дори воситаси ҳисобланади. Фармокологик таъсирига кўра бупренорфин анальгетиклар гуруҳига тегишли. Бупренорфин ўзида сувда эрийдиган оқ биллур кукунни ифодалайди. Фармацевтик саноатда 0,02гр. дан оқ рангдаги таблетка ёки 2 мл. ампулалар кўринишида ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда бупренорфин Ҳиндистондан авиаатранзит билан инглиз тилида “Норфин” ёрлиғи билан таблетка кўринишида келади.

**КОКА ЎСИМЛИГИДАН ТАЙЁРЛАНДИГАН  
ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИ**

Кокаиннинг манбаи Анд тоғларининг шарқий ёнбағирлари, Колумбия, Перу, Боливияда ёввойи ҳолда ўсадиган бута ҳисобланади.

Баргларидан кокаин тайёрланадиган кока бутаси (*Erythroxylum coca*) чириндиға бой тупроқ, нам иқлим (80–90%) талаб қилади ва одатда денгиз сатхидан 500–2000 метр юқорида үсади.

Кока бутаси әкилгандан 18 ой ўтгач биринчи барг ҳосилини беради ва ҳосилдорликни 40-50 йил ичидә сақлаб қолади. Таркибида 1-2% кокаин бўлган барглар йилига уч марта териб олиниб, қуритилга ҳолда қадоқланади. Кейинчалик барглардан кокаин гидрохlorиди ажратиладиган кокаин пастасини олинади.

Кокаин етказиб берувчи асосий мамлакатларга Аргентина, Боливия, Венесуэла, Колумбия, Панама, Перу, Чили ва Эквадор давлатлари киради. Кокаин моддаси ушбу мамлакатлардан Европа давлатларига денгиз йўли билан Испания ва Португалия орқали етказиб берилади.

### КОКАИН

(бензоилэкгонинметил эфири)

Кокаин – кока баргининг асосий алкалоиди ҳисобланаб, ундан кимёвий усулда ажратиб олинади. Тиббий мақсадлар учун эса кокаин гидрохlorиди кукун ёки 1 мл. ампула бўйича 2 фоизли эритма қўринишида ишлаб чиқарилади.

Кокаин моддаси ҳидсиз, ош содасига ўхшаш оқ биллур кукун, шунингдек оқ, қаймоқ ранг, жигарранг ва сариқ рангдаги гулларнинг гранула, пасталари қўринишида учрайди.

Крек – бу кокаин асосининг анча хавфли шаклларидан бири ҳисобланади. Крек кокаин гидрохlorидидан сув ва бикарбонат натрий ёки ош содасини қайнатиш ёрдамида ион хлоридларни йўқотиш йўли билан олинади. Ушбу жараён натижасида ташқи томондан совунни эслатувчи йирик бўлакли кокаин асоси ҳосил бўлади. Крек ўз номини қайнатилиш пайтида қўпинча, бикарбонат натрийнинг чирсиллаганлиги учун олган.

### АМФЕТАМИНЛАР

#### ЭФЕДРОН

(меткатинон)

Эфедрон (2-метиламино-1-фенил-1-пропанон) – Ўрта Осиёда ўсувлари ва эфедрин ва эфедринга ўхшаш моддаларни саноат мақсадларида ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган эфедра қирқбўғин ўсимлигининг (*Ephedraceae* оиласи) томири, шунингдек қотмаган тепа қисмларидан тайёрланадиган (марказий асаб тизимини кучли қўзғатувчи) гиёҳвандлик воситаси.

Тоза ҳолатда эфедрин - аччиқ таъмли оқ кукун. Шунингдек, эфедронни таркибида эфедрин бўлган дори

#### МДМА


(экстази)

МДМА-1 (3,4-метилендиокси-N-альфадиметилфенилэтиламин) – 1980 йилда Голландияда синтез қилиниб, “экстази” (ХТС) номини олган. Ушбу восита тиббиёт мақсадларида фойдаланилмайди. Оч сариқ рангдан жигар ранг тусдаги укол қилиш учун эритма, кукун, гранула ёки капсула қўринишида бўлади.

Хозирги вақтда асосан оқ рангдан жигар ранг тус олган махсус (дельфин, қүш, ўроқ ва болта) бостирма-белгилардаги таблеткалар кўринишида учрайди.

Эстония, Голландия, Германия ва Шарқий Европа мамлакатларида экстазини ноқонуний равища ҳаракатланишининг эҳтимоли юқори бўлиб, мазкур давлатлардан олиб келиниши мумкин.

### Экстази



### ГАЛЛЮЦИНОГЕНЛАР

Галлюциногенлар – бу ҳақиқий ҳолатни нотўғри ва бузиб кўрсатиш ҳолатини уйғотувчи инсон марказий асаб тизимига кучли таъсир қилувчи табиий ва синтетик моддалардир.

Қонуний тартибда тиббий қўлланилишига эга эмас ва яширин лабораторияларда ишлаб чиқарилади.

#### Фенциклидин (PCP)

Фенциклидин – 1950 йилда кашф қилинган бўлиб, инсон марказий асаб тизмини стимулятори, яъни галлюциноген ҳисобланади.

Фенциклидин – сувда осон эрийдиган оқ биллур кукун, таблетка, капсула ва эритма кўринища бўлади.

Фенциклидинга қўшимча сифатида кокаин, метамфетамин, метаквалон қўшилиши натижасида, ранги оч рангдан тўқ жигар ранггача ўзгаради.

#### КАТИН ва КАТИНОН

Катин ва катинон – Шарқий Африка ва Жанубий Арабистонда ўсуви кат (*Catha edulis*) ўсимлиги алкалоиди. Ўсимлик ўзида 3–6 метргача бўлган доимо яшил бутани ифодалайди.

Кат билан савдо-сотиқ қилиш ва уни истеъмол қилиш таъқиқланмаган ва гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш тўғрисидаги халқаро шартномалар билан тартибга солинмаган. Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича доимий қўмитанинг қарорига кўра, кат олиб кириш учун тегишли рухсатнома талаб қилинадиган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган.

Ҳозирги вақтда ноқонуний бозорда катинонинг “кет” номли синтетик ўхшали пайдо бўлган.

Кат барглари малина-жигарранг тусда бўлиб усти текис, вақт ўтиши билан тўқлашади. Сақлаш учун уларни банан баргларига ўраб қўйишади. Чегара орқали катни ноқонуний олиб ўтиш совутгич мосламаларида овқат учун мўлжалланган ўсимлик ёғи кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Катни етказиб берувчи асосий мамлакатлар бўлиб Сомали, Эфиопия, Кения, Яман ҳисобланади.

### БЕНЗОДИАЗЕПИНЛАР

Бензодиазепинлар – инсон марказий асаб тизимини тинчлантирувчи - транквилизатор (асабни тинчлантирувчи) моддаларга тааллуқлидир. Бензодиазепинлар гуруҳига 200 дан ортиқ фармакологик фаол бирикмалар киради, улардан 33 таси халқаро назорат остида ҳисобланади. Ноқонуниймуомаладаги бўлган бензодиазепин ҳосилалари бозорга ўзак ёки таблетка ва капсула кўринишида келади.

#### Метаквалон

Метаквалон (МТО) – транквизаторлар гуруҳига тегишли синтетик гиёҳванддори воситаси. Метаквалон лаборатория шароитида саноат ёки ноқонуний усулда олишади.

Ноқонуний бозорга гиёҳвандлик воситасини йирик етказиб берувчи мамлакат бўлиб Ҳиндистон ҳисобланади ва метаквалон Жанубий Африка мамлакатлари орқали Европага етиб келади. Уни ноқонуний ишлаб чиқариш Африка қитъасининг бевосита шарқий ва жанубий ҳудудларида ҳам қайд қилинган, у ерда метквалон таблеткасини ишлаб чиқариш бўйича яширин лабораториялар аниқланган.

Тоза кўринишида метаквалон ўзида ҳидсиз оқ билур кукун ёки 0,2 ёки 0,3 гр.таблетка кўринишини ифодалайди. Турли мамлакатларда метаквалон тулича савдо номларига эга, масалан, Венгрияда мотолон, АҚШда – меквин, оптимил, сомнафак. Таблетка кўринишида ишлаб чиқарилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. United Nations Office on Drugs and Crime, World Drug Report 2017 (ISBN: 978-92-1-148291-1, eISBN: 978-92-1-060623-3, United Nations publication, Sales No. E.17.XI.6). p. 9.

2. Всемирный доклад о наркотиках / Управление ООН по борьбе с наркотиками и преступностью. – Вена, 2014.

3. Калачев Б.Ф. Использование достижений НТР в деятельности наркосиндикатов. Материалы научно-практической конференции “Федеральный закон “О наркотических средствах и психотропных веществах” и актуальные проблемы противодействия незаконному обороту наркотиков”. – Москва. 2008,- 4с

4. “Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Махкамасининг 12.11.2015-йилдаги 330-сон қарори

5. О бесконтактных способах распространения новых психоактивных веществ с использованием каналов почтовой связи. УДК 344.13:343.57